

## ИҚТИСОДИЙ (МОЛИЯВИЙ) АТАМАЛАРНИ ТЎҒРИ ИШЛАТИШ - МОЛИЯВИЙ ТИЗИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11521696>

**Маликов Тохир Сатторович**

*Тошкент Давлат иқтисодиёт университети  
“Молия” илмий мактаби раҳбари,  
иқтисод фанлари доктори, профессор.*

Молиявий тизимни ривожлантириш омиллари - жуда кўп. Улардан бири ва бизнингча, энг муҳими, шу тизимда ишлатилаётган иқтисодий (молиявий) атамаларни тўғри ишлатиш (фойдаланиш)дир. Зеро, ўзгача тарзда иш тутиш кўплаб ноаниқлик, хатолик ва мураккабликларни келтириб чиқариб, охир оқибатда, молиявий тизим ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Буни биз қуйида шу кеча-кундузда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга янгидан кириб келаётган “ислом молияси” ва “исломий молия” атамалари мисолида тушунтириб беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳақиқатдан ҳам кейинги йилларда ҳаёт тақозоси ёки зарурияти билан бу келтирилган сўзлар бирикмаси ёки ибораларни тез-тез ишлатадиган бўлиб қолдик. Сир эмас: уларнинг биринчисини, яъни “ислом молияси”ни кўпроқ ва аксинча, “исломий молия”ни камроқ ишлаётимиз. Лекин мазмун-маъно-моҳият ва шундан келиб чиққан ҳолда ҳамда ишлатилиш нуқтаи-назаридан уларнинг қай бири тўғри эканлиги тўғрисида ҳеч ким бош қотираётгани – йўқ. Бу, ўз навбатида, олдимизда қўйилган овқатнинг, узр, қандай сифатга (масалан, “свежий”ми ёки “ачиган”ми, иштаҳамиз тортадими ёки тортмайдими ва ҳ.к.) эга эканлигига қарамасдан “паққос” туширишимиз билан – баробар. Ҳолбуки, кундалик ҳаётимизда бу тарзда иш тутилмайди. Зеро, унинг оқибати нима(лар) билан тугаши мумкинлигини ҳаммамиз жуда яхши биламиз.

Баъзи-бировазлар назарида эса, бу – шу тарзда бош қотиришга арзимайдиган масала: “ислом молияси” ёки “исломий молия” десак ҳам бўлаверади, иккаласининг бир-биридан – фарқи йўқ. Бундай “фалсафа” ҳам,

аслида, худди юқоридаги мисолимиздагидек, “Менга қандай овқатни ейишимнинг фарқи йўқ!”, - дейиш билан бир хил.

Бизнингча, илмдан йироқ ва илмни даъво қилмайдиганлар (кимларгадир тегиб кетган бўлса, минг бора узр) шу тарзда фикр-мушоҳада юритишса, балки кечирарлидир. Аксинча, ўзини илмга яқин деб ҳисобловчи ва илмга даъвогарлар томонидан бу “масала”га юқоридаги тарзда ёндашиш – кечириб бўлмайдиган ҳолат. Шу боис, ушбу мақолани вужудга келтириш (ёзиш)дан асосий мақсад мантикий фикр (мушоҳада) юритиш ва умумэътироф этилган қонун-қоида ҳамда тартибларга қатъий риоя этган ҳолда “ислом молияси” ва “исломий молия”нинг қай бири мазмун-маъно-моҳиятни ўзида тўғри мужассам этиши (ифодалаш)ни аниқлашдир.

Хўш, буни қандай уддалаймиз? Уни аниқлашнинг йўли қандай? Нима қилсак ёки қандай ёндашсак, бизни қўллаб-қувватловчилар ёки биз билан бир сафда турувчи ҳамфикрларимиз кўпаяди ва фанимиз тараққиётга ўзимизнинг холисона, муносиб ёки объектив ҳиссамизни кўшган бўламиз?...

Ҳатто сиртдан ёки юзаки олиб борилган таҳлил натижаларининг кўрсатишича, муомала жараёнида “ислом молияси” ёки “исломий молия”дан қай бирининг ишлатилиши, кўп жиҳатдан, “Менимча шундай бўлса керак!”дан нарига ўтмайди. Бу ўринда шундан бошқа аргументлар келтирилмайди. Ҳолбуки, ҳар қандай “менимча” (“бизнингча”, “фикримизча”, “назаримизда” ва ш.к.ларга нисбатан ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин)ни исталган бир тасдиқ учун етарли, арзирли ёки эътиборга лойиқ бўлган аргумент сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас (юмшоқ қилиб айтганда, анча камлик қилади).

Бошқа ҳолларда эса яна бир ғайриилмий аргумент келтирилади: “Ҳамма шундай деб ишлатаяпти-ку!” Бу келтирилган “аргумент” “Ҳамма икки қарра иккини беш дейишяпти-ку! Мен ҳам шундай десам нима қилибди!” ёки “Ҳамма шу тарзда ўзини жарга ташлаяпти-ку! Биз ҳам ташласак, нима бўлибди?!” каби, узр, бемаънилиқдан бошқа нарса эмас...

Кўришиб турганидек, юқорида келтирилган ҳар икки ҳолат муомала жараёнида “ислом молияси” ёки “исломий молия”дан қай бирининг ишлатилиши ҳақида асос сифатида қаралиши керак бўлган аргумент бўла олмайди. Хўш, унда бу “масала”ни қандай ҳал қилиш керак?

Унинг энг оддий ва тушунарли йўлларида бири биз ишлатаётган ибора (сўзи)мизнинг ўзга халқлар тилида қандай ишлатилаётганлигига эътибор бериш ҳисобланади. Шу муносабат билан, баъзи бир объектив сабабларга (жумладан, яқинлигига) кўра, биз ишлатаётган иборанинг русча вариантга эътибор берайликчи, у қандай кўринишга эга экан? Биз Она тилимизда ҳар икки кўринишда ишлатаётган ибораларимизнинг рус тилидаги кўриниши битта: “исламское финансы”. Уларнинг бошқа варианты – йўқ. Энди, Она тилимизда нисбатан кўпроқ ишлатилаётган “Ислом молияси”нинг рус тилига таржима қилайликчи, у қандай кўринишни олар экан? У сўзма-сўз ва маъно таржимада ҳам “финансы ислама” кўринишини олади. Ҳолбуки, бундай ибора рус тилида ишлатилмайди. У – йўқ!...

Таҳлилимиз ёки оддий мушоҳадавий тадқиқотимизни шу йўсинда давом эттириб, энди Она тилимизда юқоридаги тарзда ишлатаётган сўзларимизнинг инглизча вариантга эътибор берайлик-чи, у ерда “картина” (“манзара”) қандай экан? Маълум бўлганидек, бу ерда ҳам биз ишлатаётган сўзлар ҳам ягона “Islamic finance” кўринишига эга. Инглиз тилида ҳам “finance islam” деган ибора мавжуд эмас.

Юқорида келтирилган ҳар икки вариант (тил)да ҳам “молия” (“финансы” ва “finance”) атамаси ўзгармасдан қолаяпти. Аксинча, ундан олдин келувчи сўзлар тус(тур)ланаяпти. Биринчиси “исламское”, иккинчиси эса “Islamic” кўринишига эга бўлмоқда. Биринчисида “-ское”, иккинчисида эса “-ic” қўшимчалари қўшилаяпти (ишлатилаяпти). Ахир бу бекордан-бекорга эмас! Ҳақиқий ҳолат шундай бўлиб турганида, ҳар икки тилдаги бир сўзни унинг охирида келтирилган қўшимчаларидан воз кечган ҳолда (эътиборга олмасдан) Она тилимизда уни “ислом” деб таржима қилиш, наҳотки, мақсадга

мувофиқ бўлса?! Ёки “-ское” ва “-ic” каби қўшимчаларни ўзбек тилида ифодалайдиган қўшимчалар йўқми?!...

Ўзбек тилининг грамматик (имло, орфографик, стилистик, пунктуацион, морфологик ва ҳ.к.) қоидаларидан озгина хабари борлар бу саволга “Нега? Бор-да! Она тилимиздаги, хусусан, “-ий” ва “-вий” қўшимчалари айнан шу мақсадлар учун хизмат қилади!”,- деган жавобни, сира иккиланмасдан, беришлари тайин, албатта. Бунга тўлиқ ишониниш учун, бошқа нарсаларга эътибор бермасдан, бир неча марта ва кирилл ҳамда латин алифболарида охириги йилларда нашр қилинган беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га эътибор беришнинг ўзи – етарли. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, назарда тутаётган нарсаларимизга тегишли бўлган энг умумий қоидалар қуйидагилардан иборат: а) бу қўшимчалар атаманинг сифатий жиҳатларини очиб беришга ва ўзидан кейин келувчи сўзнинг қандай характерга эга эканлигини кўрсатишга хизмат қилади; б) сўз (атама) ундош ҳарф билан тугаса, унга “-ий” ва сўз унли ҳарф билан тугаганда эса “-вий” қўшимчалари қўшилади ҳамда улар тенг маънони англатади (маънода ишлатилади). Тамом-вассалом!

Шу жойда яна бир нарсани қайд этиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Гап шундаки, атама (сўз)ларга “-ий” ва “-вий” қўшимчаларини қўшиб ишлатилишидан ҳосил бўлган “янги” сўзлар амалиётимизда айримлар томонидан, афсуски, ўринсиз “штык”да қарши олинмоқда. Уларга “ғализ”, “архаик”, “даққионусдан қолган”, “ўйлаб топилган” ва ҳ.к. шунга ўхшаш “ном”лар берилмоқда. Шу “позиция”да турганлар орасида илм аҳли айрим вакилларининг борлигини эса, бизнингча, фожиа сифатида талқин қилиш керак. Ахир, наҳотки, Она тилимизда айнан шу шакл ва мазмунда ишлатилиши мумкин бўлган сўз (атама)ларни баъзи, узр, етарли даражада илмий салоҳиятга эга бўлмаганларнинг “классификация”си, “туркумлаш”и ёки “таснифланиш”и оқибатида шундай деб аташ мумкин бўлса?!...

Бу ўринда биз кўтараётган “масала”нинг бошқа бир энг муҳим жиҳати ҳам бор. Уни алоҳида қайд этиб ўтмасликнинг асло иложи йўқ. Гап бу ерда

таржима жараёнида аслиятни сақлаш ёки аслиятга эришиш тўғрисида кетаётир. Зеро, таржима назариясига кўра таржимадан мақсад таржима қилиш эмас (ажабланманг!), балки аслиятга эришишни таъминлашдан иборат. Бундан келиб чиқиладиган бўлса, ҳатто сиртдан юзаки қараганда ҳам Она тилимизда “ислом молияси” иборасининг ниҳоятда муваффақият (мантик)сиз кўлланилаётганлиги маълум бўлади-қолади.

Бунга қўшимча равишда яна бир нарсани қатъий таъкидлаб ўтмоқчимиз. Биз бу ўринда “ислом молияси” ва “исломий молия”нинг, баъзи ҳолларда, бир хил маънони англатади, дея талқин қилинаётганлигини назарда тутаяпмиз. Бу сўз бирикмаларининг айнан бирлиги ёки бир-биридан тубдан фарқ қилишини билиш (идрок этиш) учун, аслида, уларга оддий ва тўғридан-тўғри савол бериб кўришнинг ўзи етарли. Айнан бир хил маънони англатувчи сўз ёки сўз бирикмалари худди шундай (айнан бир хил) саволнинг берилишини ҳам тақозо этади. Сезиб ёки кўриб турганингиздек, биз назарда тутаётган “ислом молияси” ва “исломий молия”га нисбатан бир хил саволни беришнинг асло иложи йўқ. “Ислом молияси”га нисбатан “Кимнинг молияси?”,- деган савол берилса, “исломий молия” эса, ўз навбатида, “Қандай молия?”,- деган саволнинг берилишини талаб қилади. Бундай вазиятда “кимнинг...” ва “қандай...” саволларга жавоб берувчи сўз ёки сўз бирикмаларининг бир-биридан тубдан фарқ қилишини англаш ёки идрок этиш унча катта ақлни талаб этмаса керак?! Бунинг устига, бизнинг бу мулоҳазаларимиз ўз-ўзимизнинг “ғойибдан келган” шахсий фикримизга асосланмаган. Аксинча, у Она тилимизнинг грамматик қоидаларига таянган, холос. Шу боис, уни бизнинг куруқдан-куруқ ёки бекордан-бекорга “ўйлаб топган” нарсамиз сифатида талқин қилиш ўзининг маъносига эга эмас.

Хуллас, ҳаётда ҳар нарса (воқелик, ҳодиса, жараён ва ҳ.к шу кабилар)нинг ўз номи билан аталгани – яхши. Назарда тутилаётганларга нисбатан ҳам шундай ёндашилса, нур устига – аъло нур. Зеро, тараққиёт шуни тақозо этади. Бунинг устига, у (тараққиёт)ни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири АНИҚЛИК ҳисобланади. У бўлмаган жойда тараққиёт

секинлашади. Унга дахлдор бўлган тўғри қарорни қабул қилиш эса мураккаблашади...

Исломий молияга тегишли бўлган масалалар мамлакатимиз ва унинг халқи учун – нисбатан янгилик. Бундай тавсифга эга бўлган молиянинг юртимизда таркиб топиши ва ривожланишидан – ҳаммамиз манфаатдормиз. Бунинг учун эса, энг аввало, унинг мазмун-моҳияти-маъносини ифодалашга хизмат қилувчи номни унга нисбатан тўғри қўйи (ата)шимиз керак. Тўғри ташланган биринчи қадам, исломона айтганда, хайрли бўлиб, у сиз-у-бизни фақат муваффақият ва кўзланган мақсад сари етаклайверади. Шу боис, олдимизда “ислом молияси”ми ёки “исломий молия”? тарзида савол кўндаланг бўлганда, юқоридаги мантиқий мулоҳазаларга таянган ҳолда, охириги вариантни танласак ва уни кундалик муносабатларимизда айнан шу тарзда ишлатсак, бу йўналишдаги муваффақиятга, жумладан, молиявий тизимимиз тараққиётига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Маликов Т.С. Молия: назарий асослар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2021. – 428 б. 25,9 б.т.х.
2. Маликов Т.С. Молиявий саводхонлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2021. – 404 б. 24,0 б.т.х.
3. Маликов Т.С. Илмга эътиқод ва садоқат. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2020. – 360 б. 22,5 б.т.х.
4. Маликов Т.С. Молиявий саводхонликни оширишга “яшил чироқ” – давр талаби // “Молия”, 2020 йил 3-сони. Б. 17-24 б. (ҳаммуаллифликда). - 8,0 б.
5. Маликов Т.С. Иқтисод (молия) илмида таржима аҳволини кескин яхшилаш – таълим сифатини оширишнинг муҳим омили “Молия”, 2020 йил 2-сони. Б. 5-9. – 5,0 б.